



**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**УЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ,
КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

ТОШКЕН ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМИ - GISCA 2015

“Ер, сув ва табиий ресурсларни геофазовий ботқариш муаммолари”
мавзусида Халқаро илмий-амалий конференция материаллари

ГЕОИНФОРМАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ -
GISCA 2015

Материалы Международной научно-практической конференции
«Проблемы геокосмической управления земельных, водных и природных
ресурсов»

GIS III CENTRAL ASIA CONFERENCE - GISCA 2015

"Geospatial Management of Land, Water and Resources"

May 14-16, 2015, Tashkent



карталаштиришда Географик ахборот тизимлари (ГАТ) нинг долзарблигини алоҳида таъкидласа бўлади.

Ҳозирги пайтда фойдаланиш соҳаларининг кенглиги жиҳатидан ГАТ нинг тенги йўқ. У навигация, транспорт, қурилиш, геология, ҳарбий ишлар, иқтисодиёт, экология ва бошқа соҳаларда кенг афойдаланилмоқда. Географик ахборот тизимлари картографияда, геодезияда ва бошқа турли соҳаларда кенг қўлланилмоқда, чунки катта ҳажмдаги статистик ва фазовий матнли, графикли ва бошқа кўринишдаги маълумотларни қайта ишлаш ва уларни тасвирлаш ГАТ тизимсиз мумкин эмас (1-расм). Инсониятлар ҳаётида карта яратиш ва ундан фойдаланиш муҳим ўринни тутади. Бизнинг давримизнинг яқин ўтмишигача, яъни 2000 йилгача мамлакатимзда карта яратиш эски услубда яратилиб келинган. Бу ишларни бажаришда бутун бошли чизмачилар ва ҳисобчилар гуруҳи карта яратиш билан банд бўлиб, бу ишлар кўп вақт ва катта маблағ талаб қилинган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳозирги кунда космик ва аэросуратларни кенг фойдаланилган ҳолда аниқлик даражаси юқори бўлган электрон рақамли карталарни яратиш технологияси йўлга қўйилди ва бу соҳада ишлар такомиллаштирилиб келинмоқда. Уларни яратишда замонавий ГАТ технологиялардан самарали фойдаланилмоқда. Демак, электрон рақамли аҳоли карталари компьютерларда махсус дастурларда тузилганлиги туфайли карталардаги ахборотларни қайта ишлаш ва тақдимот тезлигини таъминлайди. Аҳоли жойлашуви, иш билан таъминланганлик даражаси ва бошқа ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар кўп поғонали тизимда жамланганлиги учун картографик тадқиқот усулларида фойдаланиб, электрон рақамли карта ва планларни тузиш яхши самара беради. Халқ хўжалигида электрон рақамли карталардан фойдаланиш кенг имкониятларни яратиб бериши билан бирга бир қатор техник ва молиявий масалаларини ҳал қилиш заруриятини вужудга келтирмоқда. Жумладан: вилоят ва туманларни замонавий компьютер, сканер ва плотерлар билан таъминлаш ҳамда ушбу техникалар билан ишлайдиган малакали компьютер мутахассисларини ўқитишга қаратиши мақсадга мувоқидир.

Адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси”. Ўзбекистон Тошкент: Адолат, 1998.
2. Абдурахмонов Қ.Х., Имомов В. “Ўзбекистонда меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш”. – Тошкент.: Академия, 2008.
3. Сафаров Э.Ю., Абдурахимов Х.А., Ойматов Р.Қ. “Геоинформацион картография”. – Тошкент., Университет, 2012.
4. Интернет маълумот. www.stat.uz

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШДА, ЕР РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА МЕЛИОРАТИВ ТАДБИРЛАРНИНГ ЎРНИ Сайдалиева Г.А. магистрант - ТИМИ

Abstract

Encouraging land users gives excellent results for establishing efficient use of land resources in our country. This article is written about creation of mechanism of efficiency

usage from land fund by giving certain privileges for advanced farmers of Muzrabat district of Surkhandarya region..

Бугунги кунда ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ер тузиш тизимининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу эса аҳоли сонининг мунтазам ортиб бориши мавжуд суғориладиган ерлардан кўпроқ ҳосил олишни тақозо қилмоқда. Бу мелиорация тадбирларини тўғри ташкил этиш билан боғлиқ. Ана шундай вазифаларни бажариш йўлида мамлакатда кўплаб қонун ҳужжатлари яратилди. Масаланинг долзарблигини Президент И. Каримов томонидан “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорининг қабул қилинишидан ҳам кўришимиз мумкин [1]. Мазкур қонун ҳужжатларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан талайгина ишлар бажарилди.

Музработ тумани Сурхондарё вилоятининг жануби ғарбида Туркменистон билан чегара ҳудудда жойлашган. Шимолдан Шеробод ва Қизирик туманлари билан, шарқдан Ангор-Термиз туманлари билан, жанубдан Амударё бўйлаб Афғонистон ва ғарбдан Туркменистон Республикаси билан чегарадош. Умумий майдони 73923 гектарни ташкил қилиб, шундан 33347 гектар ерга деҳқончилик қилинади. Туманнинг иқлими қуруқ субтропик ёки жазирама иссиқ бўлиб, узоқ давом этади. Қиши илиқ ва қисқа, рельефининг хилма-хиллиги, ҳаво ҳароратига ва ёғинлар тақсимотига кескин таъсир кўрсатади.

Йиллик ўртача ҳарорат 16-20 °С. Июлнинг ўртача ҳарорати 28-35 °С ни ташкил этади. Баъзи йилларда қиш анча совуқ бўлиб, -20 ва ҳатто ундан ҳам паст ҳарорат кузатилади. Туман ҳудудида йилига ўртача 130-140 мм ёғин ёғади. Ёғиннинг асосий қисми қиш ва баҳорда тушади. Ғарбий жанубий-ғарбий қисмидан йил давомида бир неча кун давом этадиган, экинларга зарар етказувчи чанг тузонли “Афғон” шамоли эсиб туради [2]. Бундай зарарли шамол туфайли униб ўсаётган ўсимликлар ва етиштирилаётган пахта ва ғаллаларга ўз таъсирли зарарини етказмасдан қолмайди.

Тадқиқот объектида ўртача, айрим жойларда кучсиз шўрланган оғир кумоқли янғидан суғориладиган тақир ўтлоқи тупроқлар, оғир ва ўрта кумоқли эскидан суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлар ва дарёлар қайирларида ўрта ва енгил кумоқли суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар кенг тарқалган [3]. Шўрланган тупроқлар ерларнинг мелиоратив ҳолатини белгиловчи омиллардан биридир. Туманнинг суғориладиган ерларида тупроқларнинг шўрланиши асосий экологик муаммолардан бири ҳисобланади. Тупроқларнинг шўрланиши асосан суғориш ишларининг нотўғри олиб борилишида ва ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиш натижасида ҳосил бўлади. Суғориладиган ерларда бирламчи ва иккиламчи шўрланишлар кузатилади. Иккиламчи шўрланиш жараёни ҳозирги даврда асосан инсон фаолияти таъсирида рўй бермоқда. Бунга сабаб, сизот сувлари ер юзасига яқин жойлашган ҳудудларда гидроморф тупроқлар шаклланган шароитларда зовурлар тизимининг яхши ишламаслиги яъни қатор йиллар уларнинг тозаланиб, чуқурлаштирилмаганлиги сабаб бўлади. Бундан ташқари, кўп ҳолларда суғориш сувлари меъёридан ортиқча ишлатилади. Натижада ирригация шахобчалари ва далаларда сувнинг филтрацияси (сизилиб кетиши) юзага келади. Сизот сувлари ўз сатҳига етиб уларнинг ер юза қисмигача кўтарилиб, турли сувда эрувчи тузларнинг тупроқ устки қатламларида тўпланиши кузатилади. Иккиламчи шўрланишда сув капиллярлар орқали кўтарилиб тузи тупроқда қолади ёки ортиқча суғориш

натижасида ер ости сувлари эриган тузлар билан шўрланади. Бу жараён республикада ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашувига олиб келади. Шу боис, тупроқ шўрланишини олдини олиш мақсадида замонавий суғориш усул ва технологияларидан фойдаланиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди [4].

Буни эса туманда олиб борилган коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари мисолида кўриш мумкин.

Музработ туманининг табиий шароити ер ости ва ер усти сувларининг табиий оқимини таъминлайди. Туманни асосан Сурхондарёдан сув оладиган Аму-Занг канали суғориш сувлари билан таъминлайди.

Ичимлик суви таъминоти эса Музработ “Сувоқава” ичимлик суви ишлаб чиқариш ва сотиш бошқармаси ҳисобига амалга оширилади. Музработ туманидаги К-13, К-8, К-2 тизимидаги коллектор дренаж тармоқларини таъмирлаш тиклаш объекти туманнинг шарқий томонида жойлашган бўлиб, Янгиавлод, Янгиобод, С.Сатторов, А.Набиев, Р.Бўриев СИУ лари ҳудудидаги 68 та фермер хўжаликларининг 4270,2 гектар майдонига хизмат қилади. К-13, К-8, К-2 коллектор тизимидаги коллектор дренаж тармоқлари таркибида жами 170,634 км узунликдаги коллектор тармоқлари мавжуд бўлиб, шундан: 14,0 км хўжаликлараро, 156,634 км хўжалик ички коллектор дренаж тармоқларида ҳозирги тизимли таъмирлаш тиклаш ишлари қисман олиб борилган [5].

Ҳар хил даражада шўрланган тупроқларда 20–80 фоизгача экинлар ҳосилдорлиги камаяди. Тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетишига унинг шамол ва сув эрозиясига учраши ҳам катта салбий таъсир етказмоқда [6].

Шўр ювиш – тупроқни шўрсизлантирувчи кучли ва фойдали тадбирдир. Шўр ювишнинг вазифаси – ўсимликлар учун зарарли бўлган ортиқча тузларни (асосан натрийнинг, баъзан магнийнинг хлорли ва сульфат кислотали тузларини) тупроқдан кетказиш ва сизот сувлар шўрини камайтиришдир. Суғориладиган ерларнинг ботқоқланиш ва шўрланишининг олдини олиш ва унга қарши курашишда ерни текислаш, дарахт ўтказиш, ғўза-беда алмашлаб экиш, шўрни яхшилаб ювиш, агротехника системаларидан тўғри фойдаланиш асосий агромегиорация тадбирларидан ҳисобланади [7].

Шу ўринда иккиламчи шўрланиш жараёнларининг олдини олишга асосий эътиборни қаратиш лозим. Республикамизда ер ресурсларидан самарали фойдаланишга доир талайгина ишлар олиб борилмоқда.

Шу мақсадда Президент И. Каримовнинг 2014 йил якунларига бағишланган маърузасида келтирилишича ўтган даврда бу борада кўрилган чоралар натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу жами экин экиладиган майдонларнинг ярмидан зиёди демакдир. Ана шундай ишлар туфайли сизот сувлари энг оғир даражада, яъни, 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга ёки учдан бирига камайди, кучли ва ўртача шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга ёки 12 фоизга қисқарди. Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ошгани бу борада эришган энг муҳим натижамиздир деб таъриф бериб ўтди [8].

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишда тўғри ва оқилона фойдаланиш зарур бўлади. Музработ туманида шўрланган ерларнинг ҳолатини яхшилаш мақсадида, зовурларни чуқурлаштириш, уларни

тозалаш, ишлари олиб борилди ва мелиоратив самарадорлик натижасида зах сизот сувлар сатҳи 1.5-2.0 метр оралиғидаги 125 гектар майдонлардаги ер ости сизот сувларининг жойлашуви меъёрий 2-2,5 метргача бўлиши таъминланади ва 166 гектар ўртача шўрланган майдонлардаги шўрланиш кучсиз ёки шўрланмаганлик даражасига ўтишига эришилади. Иқтисодий самарадорлик кўзда тутилган лойиҳа ишлари амалга оширилса, қишлоқ хўжалигидан олинadиган ҳосилдорлик пахтадан 1-2 центнер, ғалладан 2-3 центнергача оширилишига эришилади.

Ер ресурсларининг суғориш натижасида ҳолати ва таркиби бузилган ҳолларда юқорида келтирилган мисоллар асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир тадбирларини амалга оширишда кўзланган натижаларга эришишимиз мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. Халқ сўзи газетаси. 2014 йил 22 апрель, №77. Ер ресурсларини асраб авайлаш давр талаби.

2. Сурхондарё вилояти Музработ туманининг 2015 йил якунлари бўйича паспорти.

3. Ҳасанов И.А., Ғуломов П.Н. Ўзбекистон табиий географияси. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 2007. 162 бет.

4. Шеримбетова Н. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда атроф-муҳит муҳофазасининг ўрни. // “Ўзбекистонда янги аграр муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишининг омиллари” (илмий мақолалар тўплами). – Тошкент 2013. –Б. 121-122.

5. Аму Сурхон ИТХБ қошидаги Мелиоратив экспедицияси маълумотлари

6. Маткаримов.У.М Самарқанд давлат университети Ўзбекистонда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммовий масалалари. “Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иқтисодий муаммолари” Республика илмий амалий анжумани материаллар тўплами. –Тошкент, 2007, I-том. –Б. 95-96.

7. Хамидов М. Х., Шукурлаев. Х.И., Маматалиев. А.Б. “Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси” “Шарқ” нашриёти-матбаа Акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Тошкент. 2008.

8. Халқ сўзи газетаси 17 январь, №11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

ЕРРЕСУРЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА РАҒБАТЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Раҳмонов Қ., ТИМИ доценти, Сайдалиева Г., ТИМИ 2-босқич магистранти

Аннотация

Республикамиз ер ресурсларидан самарали фойдаланишни таъкил этишда ердан фойдаланувчиларни рағбатлантириб бориш яхши натижалар беради. Мақолада Музработ туманидаги илгор фермер хўжаликларига маълум имтиёзлар бериш эвазига ер фондидан янада самарали фойдаланиш механизмлари ёритилган.

Аграр соҳадаги иқтисодий ислоҳотларни бошқаришда эътиборни кўпроқ ерларнинг табиий-иқтисодий унумдорлигини оширишга қаратиш муҳимдир. Шунинг учун, ер унумдорлигини ошириш бўйича давлат дастурлари асосида уларни муҳофаза қилиш ва унумдор ерларни қишлоқ хўжалиги оборотида сақлаб туриш имкониятини яратиш лозим. Бунда ердан самарали фойдаланишни рағбатлантириш тадбирлари муҳим ўрин тутди.

Ҳозирги кунда республикада аграр ислоҳотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базаси ҳамда молиявий аҳолини мустаҳкамлаш шунингдек, фермер хўжаликларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ердан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантиришдан кўзланган мақсад ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларни тупроқ унумдорлиги сақлашини ва қайта тикланишини назарда тутди деб ҳисоблайди [1,16 б.].

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Молия ҳамда Иқтисодиёт вазирлигининг 2013 йил 26 сентябрдаги “Пахта хом-ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш тўғрисидаги Низом” ни тасдиқлаш ҳақидаги қўшма қарори самарали ишлаётган пахтачилик фермер хўжаликларини иқтисодий рағбатлантиришдаги навбатдаги муҳим имтиёзлардан бири ҳисобланади. Фермер хўжаликларига ердан фойдаланишда қуйидаги имтиёзлар берилса улар юқори натижаларга эришиши мумкин.

Бу имтиёзларга қуйидагилар киради:

❖ Фермер хўжалигининг пахта экиладиган жами ер майдонининг камида 5 фоизга қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳолда бошқа экинларни экиш имтиёзи берилади. Масалан Музработ туманида 2014 йилда энг илғор фермер хўжаликларидан “Бехруз Зиё” 82 гектар экин майдони бўлиб, умумий фаолиятини рағбатлантириш ҳақида 2015 йилда 4,1 гектар майдонга хўжалик эҳтиёжи учун экин турларини етиштиришга туман ҳокимияти томонидан қарор чиқарилган.

❖ Туман ҳокимлиги захирасидаги ер майдонлари бўйича ўтказиладиган танловларда 10 баллгача қўшимча балл олиш мумкин. Бунга мисол “Аслиддин Алимов” фермер хўжалиги пахта-ғаллачиликка ихтисослашган 74 гектар экин майдони бўлиб, янги ер қўшиб олиш бўйича ўказилган танловда қўшимча 10 балл олиш имкониятига эга бўлди.

❖ Пахтадан бошқа экинларни экиш учун ажратиладиган ер майдонларида агротехник тадбирлар учун таъминотчи бўлган ташкилотлар билан шартнома тузиш орқали дизел ёнилғисини ва минерал ўғитларни Молия вазирлиги томонидан декларация қилинган нархларда (таъминотчининг устамаси билан) олдиндан 100 фоиз тўловни амалга оширган ҳолда тегишли бўлган шахобчалар орқали харид қилиш мумкин. Тўловларни олдиндан 100 фоиз амалга оширгани учун “Ғарб Дарвозаси” фермер хўжалигида 157 гектар экин майдони учун керакли бўлган ёнилғини ва пахта, ғалла учун бериладиган минерал ўғитлардан харид қилиш имкониятига эга бўлди. Бу эса фермер хўжаликнинг янада раванқ топишига имкон беради деб ҳисоблаймиз.

❖ Ер ресурсларидан самарали фойдаланишда аввало қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган техникалар харид қилиш учун тижорат банклари томонидан белгиланган имтиёзли кредитларни навбатсиз харид қилиши мумкин бўлади. Бу имтиёзга эса тумандаги “Ашур Жалил” фермер хўжалиги эга бўлди. Чунки, фермер хўжалиги йиллик пахта режасини юқори даражадаги ҳосилдорликка эришган хўжаликлар қаторидан ўрин

эгаллаган. Унинг умумий экин майдони 145 гектарни ташкил этади. Аввало фермер хўжалигини юритиш учун уни моддий техник база билан таъминланиши керак бўлади. Ушбу хўжалик ҳам биринчилардан бўлиб, 2015 йилда керакли техникаларни харид қилиш учун имтиёзли кредитларни олишга муваффақ бўлди.

❖ Шунингдек, қишлоқ жойларида қурилаётган намунавий уй-жойлардан бирини харид қилиш имкониятларига эга эканлигини юқорида қайд этилган Низомда кўрсатилган. Бу ҳолатни эса кўп фарзандли “Муҳиддин Достонбек” фермер хўжалиги мисолида кўришимиз мумкин. 2014 йилги мавсумда пахта-ғалла маҳсулотларини етиштириш бўйича юқори ҳосилдорликка эга бўлган етакчи фермер хўжаликларидан бири бўлди. Бу ютуқнинг самараси бўлиб, давлатимиз томонидан қурилаётган уй-жойларнинг бирини навбатсиз харид қилиш имконига эга бўлишди[2,19б.].

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишда пахта етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида ўтказиладиган танловда барча шартлар бўйича тенг балл тўпланган ҳолларда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари устунлиги каби имтиёзларга эга бўлишини ердан фойдаланувчиларни рағбатлантириш йўналишидаги тадбирлардан ҳисобланади.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишда етиштирилаётган маҳсулотлардан, яъни маҳсулотларнинг ички ва жаҳон бозорларидаги нархлар ўртасидаги ижобий фарқлар ҳисобидан рағбатлантириш ҳисобланади. Бундан ташқари, ер ресурсларидан самарали фойдаланишда асосан туманда фермер хўжаликлари учун юқорида қайд этилган имтиёзларни яратиб бериш лозим деб ҳисоблаймиз.

Шартнома муносабатлари мониторингини юритиш бўйича мутахассис Ш. Расулов томонидан республикада аграр ислохотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базаси ҳамда молиявий аҳволини мустаҳкамлаш шунингдек, фермер хўжаликларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор бериш кераклиги қайд этилган [2,16 б.]. Шу ўринда Музработ туманининг табиий географик шароити қайси экин турларини етиштиришга имкон беришини таҳлил қилиб чиқамиз. Сурхондарё вилояти Музработ тумани 1968 йил 18 декабрда ташкил этилган. Маркази Халқобод қўрғони. Тумanning иқлими қуруқ субтропик ёки жазирама иссиқ бўлиб, узоқ давом этади. Қиши илиқ ва қисқа, рельефининг хилма-хиллиги, ҳароратга ва ёғинлар тақсимотига кескин таъсир кўрсатади. Йиллик ўртача ҳарорат 16-20⁰С. Июлнинг ўртача ҳарорати +28+35⁰С.ни ташкил этади. Баъзи йилларда қиш анча совуқ бўлиб, -20 ва ҳатто ундан ҳам паст ҳарорат кузатилади. Туман ҳудудида йилига 130-140 мм ёғин ёғади. Ёғиннинг асосий қисми қиш ва баҳорда тушади. Ғарбий, жануби-ғарбий қисмидан йил давомида бир неча кун давом этадиган, экинларга катта зарар етказувчи чанг тузонли «Афғон» шамоли эсиб туради [3]. Демак, туманда фаолият юритаётган пахта-ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари учун табиий иқлим шароитлари қулайдир.

Сурхондарё вилояти Музработ туманида бир неча оилаларга томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланганлиги учун рағбатлантириш тадбирлари ҳам туман ҳокимияти томонидан ишлаб чиқилган.

Тадқиқот объекти бўлган Музработ туманида тақир ва тақирсимон тупроқларида ингичка толали янги, истикболли «Термиз-49» ғўза навининг энг маъқул экиш муддати кўп йиллик кузатувлар ва таҳлил қилишлар асосида мутахассисларнинг фикрича 25 мартдан-5 апрелгача тўғри келиши кузатилган. Шу вақт оралиғида экилган пахтадан мўл ҳосил олиш имконига эга бўлиш мумкинлиги ҳам қайд этилган[4].

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” 82-моддасида ерларни ишлаб чиқариш фаолиятининг салбий оқибатларидан ҳимоя этилиш манфаатдорлигини оширишга қаратилган бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни олади:

- янги ўзлаштирилаётган ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш жараёнида турган мавжуд суғориладиган ерларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер солиғи бўйича имтиёзлар бериш. Тумандаги “Болдир Олтин Тола” фермер хўжалиги экин майдони 56 гектар бўлиб, ҳудудда олиб борилган мелиоратив тадбирлар натижасида янги 3 гектарли ер майдони ўзлаштириш натижасида ушбу майдон учун тўланадиган солиқлардан озод этилди. Бу эса фермер хўжалиги учун яна бир имтиёз бўлди;

- ерларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш бўйича фаолиятни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларга кам чикит ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этишда солиққа, кредитга оид ва бошқа имтиёзлар бериш ҳам кўзда тутилган. Бундай фаолиятни бир нечта фермер хўжаликлари олиб бораётганининг гувоҳи бўлдик. “Маматқул” фермер хўжалигининг умумий ер майдони 138 гектар бўлиб, хўжалик раҳбари ва ишчилари ўзлари фойдаланаётган экин майдонини янада кўпроқ ҳосилдорлик олишда, ҳар-хил бегона ўтлардан ва табиий ҳодиса бўлган, шамол ва сув эрозияларини олдини олиш мақсадида ерни муҳофаза қилиш, қайта тиклаш бўйича фаолиятларини кўрсатмоқда. Бу фаолият натижасида фермер хўжалигига янги техника ва технологияларни харид қилиш учун кредит олишга имтиёз берилди;

- ерларнинг сифатини яхшилашни, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этишни, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган ерларнинг унумдорлигини ошириш, экологик соф маҳсулот етиштиришни рағбатлантириш мумкинлиги қайд этилган. Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида унинг сифатини яхшилашда “Музработ Болдир Сервис” ва “Фозилжон Агро” фермер хўжаликлари алмашлаб экишни йўлга қўйишганини эътироф этамиз. Бу эса экологик соф маҳсулотларни етиштиришга асос бўлади. Ушбу фермер хўжаликни ҳам иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни тавсия этамиз;

- ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг айби бўлмаган ҳолда ҳолати бузилган ерларни қайта тиклаш учун, зарурат бўлган тақдирда, республика бюджетидан ёки маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратиш, агротехника, ўрмон мелиорацияси тадбирлари ва тупроқни ҳимоя қилиш юзасидан бошқа тадбирлар ўтказиш масалалари ҳам айнан 82-моддада кўрсатиб ўтилган.

Тумандаги суғориладиган 4270,2 гектар майдонлардан 166 гектар майдонда тупроқнинг ўртача шўрланиш даражаси ошиб бормоқда. Таъмир талаб этиладиган ҳудудда фаолият кўрсатаётган 16 та фермер хўжаликларининг экин майдонларидан олинаётган ҳосилдорлик пасайиши сезилмоқда. Ушбу ҳудуддаги мавжуд 170,634 км коллектор тармоқларидан 158,2 км қисмига коллектор тармоқларини лойқага тўлиб бораётганлиги, сизот сувларини чиқариб юбориш учун етарли сиғимга эга эмаслиги сабабли ер ости сизот сувлари кўтарилиш шўрланиш даражаси ортиб бориши натижасида қишлоқ хўжалиги экин майдонларида агротехник тадбирлар амалга оширилишига имконият бўлмай қолмоқда.

Куз баҳор ойларида ҳайдов ишлари текислаш ва экиш жараёнларида майдонга техникаларни олиб киришда муаммолар юзага келмоқда. Шу туфайли туманда бир қанча мелиоратив тадбирлар олиб борилмоқда. Бундан кўзда тутилган иқтисодий самарадорлик,

қишлоқ хўжалигидан олинадиган ҳосилдорлик пахтадан 1-2 центнер, ғалладан 2-3 центнерга оширилишига эришилаётганлиги кузатишган;

- ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг айби бўлмаган ҳолда ҳолати бузилган 8,4 гектар экин майдонини консервация қилиш натижасида улардан келадиган даромаднинг камайишини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман қоплаш кўзда тутилган. “Озодбек Бўстони” фермер хўжалигига тегишли бўлган ер майдонини вақтинчалик консервация қилиниши натижасида 2014 йилги ғалладан олинадиган даромаднинг камайиши эвазига қисман давлат бюджети ҳисобидан қопланганлиги қайд этилган[5].

Музработ туманида пахта-ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларини 2014 йилдаги фаолияти таҳлили бўйича давлатимиз томонидан яратилган имтиёзлар ўз ижобий самарасини бераётганини кўриш мумкин. Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, фермер хўжаликларини юритишда юқорида санаб ўтилган тадбирларга асосланиб иш тутилса хўжаликларнинг етиштираётган пахта, ғалла ва бошқа маҳсулотларида етарли даражада мўл ҳосил олиш имкони бўлади. Бундан ташқари, уларга юклатилган вазифалардан солиқлардан ва бошқа тўловлардан биров бўлса ҳам уларни озод қилган бўламиз. Бу эса, ўз навбатида юртимиз тараққиётини ўсишига, фермерларнинг ўз меҳнатининг мукофоти деб рағбатлантирсак арзийди.

Адабиётлар рўйхати

1. Расулов. Ш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали №2. 2014, Шартнома муносабатларини такомиллаштириш томонларнинг ҳуқуқий манфаатларига хизмат қилади. 16-17 бетлар.
2. Ҳушматов.Н, Саъдуллаев. У. Имтиёзлар имкониятлар омили. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали №2. 2014. 18-19 бетлар.
3. Сурхондарё вилояти Музработ туман паспорти маълумотлари 2015 йил.
4. Интернет сайти. Google.uz Шералиев Х.Ш., Авлиёқулов М.А. Жанубий минтақада тақир ва тақирсимон тупроқларида янги истиқболли ингичка толали «Термиз-49» ғўза нави парвариши.
5. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. 82-модда. Тошкент-1998 й. 58-бет.

	Хафизова З.Х	
20.	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ГИС ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА ҚУЁШ РАДИАЦИЯСИ МИҚДОРINI БАҲОЛАШ. Ш. А. Шоюсупов, Ш. Юсупов	68
21.	ЕРЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ЕР МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИЛИШИ. Усманов Ю	72
	II – СЕКЦИЯ. ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ, КАДАСТР ВА ЕР ТУЗИШДА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР	76
22.	MAIN WAYS OF SOFTWARE DEVELOPMENT OF PROCESSING DATA FOR THE EVALUATION COST OF LAND PLOTS. Abdullaev Z. S.	76
23.	СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ДЕГРАДАЦИЯГА ҚАРШИ ТАДБИРЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ. Бабажанов А.Р., Гофиров А.Ж., Рўзибоев С.Б	79
24.	ФОРМИРОВАНИЕ И ВЕДЕНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО КАДАСТРА ИСТОРИЧЕСКОГО И КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ. Бабажанов А.Р., Абдурахмановья И.К., Сулайманова М.Х.	82
25.	ЕРЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ЕР МОНИТОРИНГИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ. Ю.А.Усманов	85
26.	ЮҚОРИ КУЧЛАНИШЛИ ЭЛЕКТР ТАРМОҒИГА ЕР АЖРАТИШНИ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАШ ТАРТИБИ. А.Ж.Гофиров Рўзибоев С.Б.	87
27.	ЭЛЕКТРОН ХАРИТА ЯРАТИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ДАСТУРЛАР. С.Н.Абдурахмонов	92
28.	РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ВА УЛАРНИ МУКАММАЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. Ю.Усманов, Р.Қ.Ойматов	95
29.	ГЕОТИЗИМЛАРИНИ КАРТАЛАШТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ (Куйи Зарафшон табиий географик округи мисолида). Расулов А	97
30.	ОБ ОДНОМ МЕТОДЕ ОПРЕДЕЛЕНИЯ СТЕПЕНИ СЛОЖНОСТИ РЕЛЬЕФА НА ПРЯМОУГОЛЬНОЙ СЕТИ ДАННЫХ. Д.Ф. Кучкарова, Б.У. Хаитов	99
31.	КАДАСТРЛАРНИ КАРТАЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Р.Қ. Ойматов	101
32.	АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ТАЪСИРИ ВА УНИ КАРТАЛАШТИРИШ (Бухоро ва Жиззах вилояти мисолида) С. Н.Абдурахмонов, Р.Қ.Ойматов	103
33.	ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ, МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОГРАФИК КАРТАЛАРИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ. С. Абдурахмонов	106
34.	СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШДА, ЕРРЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА МЕЛИОРАТИВ ТАДБИРЛАРНИНГ ЎРНИ. Сайдалиева Г. А	109
35.	ЕРРЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА РАҒБАТЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ. Раҳмонов Қ., Сайдалиева Г	112
36.	PLANNING GIS PROJECTS IN UZBEKISTAN. Babajanov A.R., Avchiev Sh.K., Allayarov X.F	116
37.	ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЗАРБДОР ТУМАНИ “НУРАФШОН” МАССИВИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КАРТАСИНИ ТУЗИШДА ГАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ. Мусаев И.М., Ойматов Р.Қ., Худайкулов Н.Ж	119
38.	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ГЕОДЕЗИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ОММАЛАШТИРИШ. Ў.П.Исломов., Р.Қ.Ойматов	122

